

7-10-2019

THE EFFECTS OF LIVING FRONTIER TO PERSON'S SPEECH

Dilarom Akhmatkhonovna Babakhonova

Namangan State University Candidate of Filological Subjects, professor

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Babakhonova, Dilarom Akhmatkhonovna (2019) "THE EFFECTS OF LIVING FRONTIER TO PERSON'S SPEECH," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 3 , Article 36.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/36>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

THE EFFECTS OF LIVING FRONTIER TO PERSON'S SPEECH

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ШАХС НУТҚИГА У ЯШАБ ТУРГАН ҲУДУДНИНГ ТАЪСИРИ

Бабаханова Диларом Ахматхановна
Наманган давлат университети
Филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация: Мақолада шахс нутқига у яшаб турган ҳудуднинг таъсири, тил ва ундан фойдаланувчилар ўртасидаги алоқадорлик, шунингдек, тил, инсон, маданиятнинг ўзаро алоқаси каби масалалар илмий асосланган ва лингвоперсонологик нуқтаи назаридан таҳлил этилган.

Калит сўзлар: лингвокультурология, фразеологик лингвомаданиятшунослик, концептологик, вербал, невербал воситалар, лексикография, лингводидактика, диалект.

ВЛИЯНИЕ РЕГИОНА НА РЕЧЬ ЧЕЛОВЕКА, В КОТОРОМ ОН ЖИВЁТ.

Бабаханова Диларом Ахматхановна
Наманганский государственный университет
Кандидат филологических наук, доцент

Аннотация: В статье научно обоснована и раскрыта значение влияние региона на речь человека, в котором он живёт, их взаимосвязь носителями языка, а также раскрыты вопросы язык, речь человека и культура в лингвоперсонологическом аспекте.

Ключевые слова: фразеологическая лингвокультурология, концептологическая, вербальная, невербальная, лексикографическая, лингводидактическая, лингвокультурология, диалект.

THE EFFECTS OF LIVING FRONTIER TO PERSON'S SPEECH

Namangan State University
Babakhonova Dilarom Akhmatkhonovna
Candidate of Filological Subjects, professor

Abstract: In this article, issues, such as the effects of living frontier to person's speech, connection between a language and its users, as well as the connection among language, human, culture is clarified scientifically and analyzed from the side of lingual personology.

Key words: ligual culturalization, phrasal lingual culturalization, lexicography, lingvo admonition, dialect.

Бугунги кунда тилшуносликда тил ва ундан фойдаланувчилар ўртасидаги алоқадорликка бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам ортди. Натижада, тилни уч бирлик, яъни тил, инсон, маданият асосида тадқиқ этиш бугунги кун тилшунослигининг энг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Инсоннинг жонли нутқини бундай аспектда ўрганиш жараёнида этнолингвистика ва унинг заминида ҳосил бўлган лингвокультурология каби соҳа ва йўналишлар юзага келди.[5] Лингвомаданиятшунослик тилшуносликнинг янги йўналиши бўлишига қарамай, ўз навбатида унинг ҳам янги тармоқлари: фразеологик лингвомаданиятшунослик, концептологик, лексикографик,

лингводидактик лингвомаданиятшунослик кабилар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг жонли, амалдаги нутқини ўрганишга қаратилган.

Дунё халқлари ўртасида турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганлигининг ўзи ҳам тилшуносликнинг бу каби янги соҳа ва йўналишларини тақозо этмоқда. Чунки ҳар бир миллат ва элатларнинг ўзига хос, ҳеч кимникига ўхшамайдиган мулоқот меъёрлари мавжудки, буларни билмай туриб турли мамлакат халқлари ўзаро мулоқотга кириша олмайдилар. Айнан шунинг учун ҳам чет тилларини ёки бир тилда сўзлашувчи турли ҳудудларда яшовчи кишилар мулоқот хулқини ўрганишда уларнинг ўзига хос томонларини билишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўзбек диалектологиясида диалектнинг махсус концепцияси ишлаб чиқилмаган. Шева, диалект, лаҳжа атамалари рус диалектологиясидаги говор, диалект, наречие атамалари таъсирида яратилган.

“Шева - бирор тилнинг ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларига эга бўлган энг кичик қисми: лаҳжа - шу хусусиятларни ўзида бирлаштирувчи шевалар йиғиндиси. Диалект термини диалектологик адабиётларда кўпинча лаҳжа маъносида, баъзан шева маъносида ҳам қўлланади. Кейинги вақтларда ўзбек диалектологиясида диалект термини шева маъносида ҳам, лаҳжа (шевалар йиғиндиси) маъносида ҳам учрайди”[4].

Асосий вазифалар қиёсланганда маълум бўладики, социолингвистлар кўп жиҳатдан ўзларини диалектологларнинг давомчилари деб ҳисоблашлари мумкин. Диалектни ўрганиш жамиятнинг бошқа аъзоларидан ўз тиллари жиҳатидан ажралиб турувчи ижтимоий гуруҳлар нутқий одатларини ўрганишга қаратилганлиги учун кўпчилик социолингвистлар ўз соҳаларини диалектология билан чамбарчас алоқадор ҳолда тасаввур этадилар. Бироқ ўзининг асосий қизиқиши нуқтаи назаридан диалектология замонавий социолингвистикадан кескин фарқланади.

Диалектология ва социолингвистика яна бир ўринда таҳлил объектининг дастлабки бирлигини танлашда бир-биридан фарқ қилади. Диалектология тил ва диалектларни яхлит тизилмалар сифатида талқин қилади. Бу тизилмалар ўртасида аслида аниқ кўзга ташланадиган ажратувчи чизиқлар бўлиши керак. Социолингвистика эса диққат-эътиборни ижтимоий гуруҳлар ва улар томонидан фойдаланиладиган тилнинг ўзгарувчан бирликларига қаратишга, бу ўзгарувчан бирликларни ижтимоий фанларнинг: ёш, жинс, маълум бир ижтимоий-иқтисодий синфга тегишлилик, ҳудудий катта гуруҳ, мақом ва шу каби анъанавий бирликлар билан боғлашга уринади. Шунингдек, кейинги пайтларда тил формалари ва ижтимоий функциялар ўртасидаги муносабатларни микро даражада, тил ва ижтимоий каттароқ ҳолатдаги функцияларни макро даражада белгилашга уринишлар ҳам бўлмоқда.

Тилшунос А. Жўраев ўзбек шеваларини ареал нуқтаи назардан ўн бир зонага ажратади ва бу зоналар бўйича тадқиқот ўтказган қирққа яқин диалектологнинг ишларини алоҳида ҳурмат билан тилга олади[1]. Шу билан бир

каторда диалектология соҳасида йўл қўйиб келинган камчилик ва нуқсонларни қайд этади.

Инсондаги ўзгаришлар, энг аввало, унинг хулқида, жумладан, мулоқот хулқида намоён бўлади. Демак, экология ижтимоий муҳитга, ижтимоий муҳит эса мулоқот хулқида таъсир этади.

Ўзбеклар нутқида чўпон ва деҳқонларга нисбатан “даласидай бағри кенг” ибораси қўлланилади. Зеро, кенг жойда яшаб, ишлайдиган кишиларнинг феъл-атвори ҳам шунга яраша бўлади. Бундай муҳитдаги кишилар бақириб-чақириб гапириш, хоҳлаган пайтда овозининг борича қўшиқ айтиш имкониятига эга бўлганлари ҳолда, шаҳарнинг тор, бетон деворли хоналарида яшайдиган кишилар шароит тақозосига кўра кўпинча паст овозда гаплашишга, қўшиқ айтгилари келганида ҳам дамларини ичларига ютишга ёки паст овозда хиргойи қилишга мажбур бўладилар. Бундай ҳолатда кишининг асабийлашиш даражаси ҳам ортиқ бўлади. Асли табиатнинг бир парчаси бўлган инсон эса ҳаммиша ўз она масканига талпиниб яшайди[5].

Экологик шароит ва турмуш тарзи, энг аввало, шаҳар билан қишлоқ ўртасида фарқланади. Қишлоқ табиати у ерда яшовчи кишилар хулқ-атвори ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Яъни, қишлоқликлар нутқи учун табиийлик ва соддалик қанчалик хос бўлса, шаҳарликлар нутқи турли тил сатҳларидаги ўзига хос тартиблилиги, бинобарин, адабий тилга яқинлиги билан фарқланиб туради. Қишлоқликлар нутқи асосан диалектологик нуқтаи назардангина ўрганилган бўлса, шаҳарликлар нутқининг айрим жиҳатлари рус социолингвистлари томонидан тадқиқ этилган.

Шаҳар ва қишлоқликлар миллий хусусиятни социолингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этиш ғоятда муҳим бўлиб, бу ҳақда В. В. Колесов қуйидагиларни ёзади: “Шаҳар тили (нутқи)ни ўрганиш кўп жиҳатдан муҳимдир. Бу тил тараққиётининг ҳар бир даврида миллий тилнинг олий кўриниши бўлиб, адабий тилнинг нуфузли асоси ҳисобланади. Шаҳар тил шароитини билмасдан туриб, адабий тилнинг пайдо бўлиши, унинг у ёки бу стилистик хусусиятларини тушуниш мушкул. Шаҳар нутқини билмасдан туриб, ҳар бир социал гуруҳнинг ҳозирги тилга, маданиятга ва у орқали умуман ижтимоий қоидаларга қўшган аниқ ҳиссасини баҳолаш қийин[2].”

Сурхондарё, Қашқадарё томонларда келинлар ўзлари келин бўлиб тушгунга қадар туғилган қайноға, қайнсингилларининг исmlарини айтиб чақиришлари уят саналади. Исм ўрнида “**шер бола**”, “**той бола**”, “**қизча**”, “**ўғилча**” каби сўзларни қўллайдилар.

Нотаниш кишилар билан бўладиган мулоқот анча расмий ва қисқалиги билан ажралиб туради. Зотан, нотаниш кишиларга қилинадиган мурожаат таниш кишиларга қилинадиган мурожаатдан анчагина фарқланади.

Нотаниш кишиларга нисбатан қўлланадиган ва диалектлар бўйича фарқланадиган **мурожаат шакллари**ни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Қариндош-уруғ номлари орқали мурожаат этиш.

2. Лавозими, касб-кор, вазифа номлари орқали мурожаат этиш.**3. Ҳайвонларнинг номлари орқали мурожаат этиш.**

Ўзбеклар табиатан меҳмондўст, очиққўнғил бўлганликлари учун бўлса керак, кўпинча нотаниш кишиларга ҳам қариндош-уруғ номларини айтиб мурожаат этадилар. Қуйида бундай мурожаат шаклларида айримлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз:

- **“опоқ”, “опоқи” деб мурожаат этиш.** Бу сўз **“оппоқ”** (сифат) сўзининг қисқарган шакли бўлиб, **“тоза”, “яхши”** маъноларини англатади ва аслида дада, буви, оийи каби қариндошлик билдирувчи сўзларга кўшилиб, **“катта”** сўзи ўрнида келади ёки ҳурмат ифодалайди: **“опоқ буви”, “опоқ дада”** каби. Қизиғи шундаки, Фарғонада **“опоқи”** деб кекса эркак кишига мурожаат этилса, Тошкентда бу сўз ёши катта аёлларга нисбатан қўлланилади;

- **“буво” деб мурожаат этиш.** Фарғона вилоятининг кўпгина ҳудудларида бу сўз ёши олтмишдан ўтган кишиларга мурожаат қилинганда қўлланилади. Аммо Бувайда туманида қирқ ва ундан катта ёшдаги кишиларга ҳам **“буво”** деб мурожаат қилинаверади. Бу ерда муҳими адресат адресантнинг дадаси билан тенг ёки ундан катта бўлишлигидир. Тошкентда бундай ёшдаги кишиларга **“буво”** деб мурожаат этиш адресатларда норозилик туғдиради;

- **“дада” деб мурожаат этиш.** Фарғонанинг айрим ҳудудларида, жумладан, Қўқонда 20-30 йилларда бу сўз катта ёшдаги кишиларга нисбатан ҳурмат маъносида қўлланилган. Масалан, ўша даврнинг машҳур ҳофизларидан бири Эрка Қори Каримов Қўқон ва унинг атроф қишлоқларида **“дада”(Эрка қори дада)** деб ардоқланган. Ҳозир бу сўз кўпроқ катта ёшдаги кишилар томонидан ёш ўғил болаларга эркаловчи мурожаат шакли сифатида қўлланилади;

- **“тоға” деб мурожаат этиш.** Фарғона, Марғилон шаҳри ва шаҳар атрофидаги қишлоқларда яшовчи кишилар бу сўз билан онасининг ака-укасига ва ҳар қандай нотаниш кишига мурожаат этсалар, Тошкентда фақат онасининг ака-укаларига нисбатангина бу сўз қўлланади. Тошкент ва Қўқон аҳолиси нотаниш эркак кишига **“амаки”, “ока”** (Тошкентда) деб мурожаат этадилар. Нотаниш кишиларга лавозим, вазифа, касб-кор билдирувчи сўзлар орқали мурожаат этишда ҳам диалектал фарқланишлар кузатилади. Жумладан, Фарғонада ўрта мактаб ва олий таълим соҳасидаги кишилардан ташқари ташқи кўринишидан зиёли эканлиги билиниб турган нотаниш эркак кишига **“домла”** деб мурожаат этилса, Самарқанд, Қашқадарё томонларда бу сўз аёл ўқитувчиларга нисбатан ҳам қўлланилади. Марғилонда 25-30 ёшдан юқори бўлган нотаниш эркак кишига **“қори ака”, “тақсир”** деб мурожаат этиш табиий ҳол саналса, республикамизнинг бошқа ҳудудларида бундай мурожаат нотабиийдек туюлиши, ҳатто баъзи бир адресатларнинг аччиғини келтириш мумкин.

Фарғона вилояти қишлоқларида яшовчи аҳоли нутқида **“уста буво”, “ошпаз амаки”, “қоравул тоға”, “шопир ака”** каби мурожаат шакллари кўп қўлланилади. Аммо катта шаҳарларда, жумладан, Тошкент шаҳрида бундай мурожаат шакллари асосан меҳмонлар томонидан айтилгандагина қулоққа чалинади.

Нотаниш адресатга ҳайвон номлари орқали мурожаат этишда ҳам ҳар хилликлар кузатилади. Жумладан, Фарғонада **“тойчоқ”, “шер бола”, “қўзичоқ”** каби мурожаат шакллари катта ёшдаги адресантлар томонидан ёш ўғил болаларга нисбатан қўлланса, Жиззах вилоятида **“қулуним”, “бўталоқларим”** каби мурожаат шакллари катта ёшдаги адресатларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин[5].

Нутқда мурожаат шакллари нинг бир кўриниши - **“сен”** ва **“сиз”** олмошларининг қўлланилишида ҳам ҳудудий фарқланишлар кузатилади. Чунки ўзбек тилида **“сен/сиз”** шакллари нутқий одат меъёри билан боғлиқ бўлиб, **“сиз”** олмоши шаҳарликлар нутқида қишлоқликлар нутқида нисбатан, водийликлар нутқида республикамизнинг бошқа вилоятларидагилар нутқидагига нисбатан анча фаол қўлланади. Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудларида **бобо, буви, ота, она, амаки, амма, тоға, хола, ака, опа** каби катта ёшли тингловчиларга **сизлаб, набира, фарзанд, жиян, ука, сингил сингари кичик ёшдаги тингловчиларга асосан сенлаб** мурожаат қилиш кузатилади. Шунингдек, аёлларнинг ўз умр йўлдошларига **“сиз”** деб мурожаат қилишлари белгиланган меъёр бўлиб, **“сиз”** нинг **“сен”**га айланиши ўзбек нутқ оdatининг қўпол бузилишидан далолатдир:

“Эр: - Намунча, аввал суюнчи берсангиз-чи, яхши ҳовли топиб келдим. Эртага кўчамиз!

Хотин: - Кўчмайман дедим, кўчмайман! Кўчсанг, ўзинг кўчавер, катта кўча!”
(Т. Пўлат).

Эрларнинг хотинларини сенлаш ёки сизлашларида ҳудудий тафовутлар кўринади. Жумладан, шаҳарларда (Фарғона водийсининг кўпгина қишлоқ жойларида ҳам) яшовчи ўзбек эрларнинг аксарияти турмуш ўртоқларига **“сиз”** деб мурожаат этсалар, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги қишлоқларда яшовчи эрлар хотинларини сенлаб гапирадилар. Шаҳарлик ўзбеклар миллий хусусиятига хос бундай одат бошқа миллат вакиллари тугул, ҳатто қишлоқ шароитида яшовчи шу миллатга мансуб кишиларнинг ўзларига ҳам эриш туюлиши мумкин. Сирдарё туманилик Абдуразоқ Бурлиевнинг **“Жуфти ҳалолнингизни сизлайсизми?”** сарлавҳали мақоласидан олинган қуйидаги парча фикримизни қувватлайди: **“...йўлим тушиб, Бахт шаҳридаги корхоналарнинг бирида ижодий сафарда бўлдим. Ўша кун корхона илгор ишчиларидан бири бўлган Аҳмаджонлариникида меҳмонда бўлдим. Оиладаги ўзаро тотувлик, самимийликдан мамнун бўлдим. Шу билан бирга бир нарсага эътибор бердим: эр-хотин бир-бирини “сиз”лаб гаплашишар экан... Аксарият шаҳар жойларида бўлганимда оилада эрлар хотинларини “сиз”лашини кузатганман. Гўё шаҳарда бу “мода”га айланиб қолгандай. Бироқ, фикримча, турмуш ўртогини “сен”лаб гапиргани мақсадга мувофиқдай...”**

Сирдарёлик газетхон учун эрларнинг хотинларини **“сен”**лаб гапиришлари меъёр саналса-да, аммо Ўзбекистоннинг аксарият шаҳарларида (Фарғона водийсининг кўпгина қишлоқларида ҳам) яшовчилар учун бу одат меъёр саналмайди. Чунки водийда, айниқса, Марғилон шаҳрида, нафақат турмуш

ўртоқларини, балки фарзандларини ҳам сизлаб гапирувчи оталар кўплаб топилади.

Ўзбекистоннинг айрим худудлари, жумладан, Наманган, Фарғона, Марғилон шаҳарлари, шунингдек, Тошкент вилоятининг баъзи туманларида адресантлар томонидан ҳурмат қилинадиган адресатларнинг буюм, нарсаларига ҳам “сиз”лаб мурожаат қилиш ҳоллари кузатилади. Бу ҳурмат кўпроқ “-лар” аффикси орқали ифодаланади.

Сўзловчининг қайси табиий ва ижтимоий муҳит вакили эканлиги нафақат мурожаат шакллари, “сиз” ва “сен” олмошларини қўллашларидан, балки ўз нутқида кўчма маъноли сўзларни қўллаш даражаси, морфологик қўшимчаларни қандай ишлатиши, гап бўлаклари тартиби, новербал хатти-ҳаракатлари, ҳатто мулоқот жараёнида сукут сақлашидан ҳам билиниб туради. Чунончи, атрофи тоғлар билан ўралган сўлим диёрда яшайдиган водий аҳолиси, айниқса, қадимдан савдо-сотик ишлари билан шуғулланиб келган Марғилон ва Қўқон шаҳри ҳамда мазкур шаҳарлар атрофидаги қишлоқларда яшовчи кишиларнинг гапга чечанлиги, аския, ҳазил-мутойибага мойиллиги кундалик миллий хусусиятларидан ҳам сезилиб туради. Жумладан, Қўқон шаҳри яқинидаги Бувайда туманининг ҳозирги А. Алиқулов номи жамоа хўжалиги худудида яшаб, узоқ вақт жамоа ва хўжалик раиси бўлиб ишлаган Бекмирза буво Қозоқов ҳатто йиғилишларни ҳам қофияли сўзлар билан ўтказар экан. Масалан, унинг: **“Маҳмуд ака бўшлиқ қилманг, Зайлобиддин гўштлик қилманг”, “Турдиев кеб кетди, нима деса деб кетди”, “Ҳаво паст келди, сув оз келди”** каби жумлалардан иборат маърузаларини эшитганлар кулиб-кулиб эслашар экан.

Аскияга мойиллик Қўқон ва Қўқон атрофидаги қишлоқларда яшовчи кишилар, айниқса, Бувайдаликлар табиатига хос бўлган алоҳида хусусиятлардандир. Ҳазил-мутойиба, енгил кулги орқали бир-бирини ўзаро танқид қилиш туманнинг Янгиқўрғон, Деҳқонобод, Бачқир қишлоқларида яшовчи аҳоли ўртасида, айниқса, кенг тарқалган. Шунинг учун ҳам бу юртдан Ўзбекистонгагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёга номи кетган машҳур аскиячи ва қизиқчилар етишиб чиққан. Жумладан, Деҳқон юзбоши, Расулқори Мамадалиев, Муҳиддин Дарвешевлар номи машҳур ҳофиз, аскиячи, қизиқчи сифатида элга манзур. Ҳозир ҳам туманда аскиячилик кенг ривожланган.

Умуман, бувайдаликлар қонига аскиячилик, сўзамоллик жуда сингишиб кетган. Муҳими шундаки, улар аскияни йўқ жойдан ёки ҳаводан қидирмайдилар, балки кундалик турмуш, ҳаётини воқеаларнинг ўзи уларга мавзу, илҳом беради.

Миллий хусусиятнинг ҳудудий жиҳатдан хосланиши, айниқса, мақол ва маталларда яққолроқ кўринади. **Зеро, “халқ мақоллари умуминсоний ғояларни миллий шаклда тарғиб қилувчи жанр ҳисобланади[3]”.**

Тўғри, у ёки бу мақолнинг аниқ авторини топиб бўлмайди. Чунки яратилиш жараёнида айрим маталларнинг муаллифи ҳақида сўз бўлиши мумкин, бироқ улар оғзаки ижодга айланиши билан халқ мулкига айланади. Натижада уларнинг дастлабки ижодкорларини топиш мумкин бўлмай қолади. Аммо мақоллардан миллат, ҳудуд, ҳатто касб-корнинг нафаси келиб туради.

Жумладан, бир мазмундаги мақолни турли ҳудудларда айрим сўзларини ўзгартириб, ўзларига мослаштириб айтилиши кузатилади. Масалан, тошкентликларда “Аҳмоққа Тўйтепа бир тош” деб қўлайдиган мақолнинг Андижонда “Аҳмоққа Асака бир тош”, Фарғонада “Аҳмоққа Қува бир тош” каби вариантлари мавжуд.

Табиий ва ижтимоий муҳитнинг инсон миллий хусусиятига бевосита таъсир этишлигини диалектологлар, этнографлар йиққан бой фактик материаллар ҳам, ёзувчи ва шоирларнинг асарларида тасвирланган ҳаётий воқеалар ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Чунончи, Тоғай Мурод, Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзамов асарларидан Сурхондарё воҳаси кишиларининг, Жуманиёз Шарипов, Эркин Самандар, Омон Матжон асарларидан хоразмликларнинг, Неъмат Аминов, Жамол Камол, Омон Мухтор асарларидан бухороликларнинг, Эркин Воҳидов, Охунжон Ҳакимов, Йўлдош Сулаймон, Анвар Обиджон, Иқбол Мирзо каби шоир ва адибларнинг асарларидан Фарғона кишиларининг нафаси келиб туради. Чунки мазкур адибларнинг аксарият асарларида ўзлари туғилиб ўсган юрт кишилари ҳаёти, ўша заминда бўлиб ўтган воқеалар тасвирланади. Бундан ташқари, ёзувчининг шахсий услубида уни инсон сифатида шакллантирган ижтимоий муҳитнинг сўз ва иборалари, ҳатто талаффузлари акс этади.

References :

1. Djuraev A.B. Teoriticheskie osnovi arealnogo issledovaniya uzbekoyazichnogo massiva . – T.: Fan, 1991.
2. Kolesov V.V. Yazik goroda.-M.: Vysshaya shkola, 1991
3. Kolesov V.V. Yazik i chelovek. Izdatelstvo Moskovskogo universiteta. -M.: 1970.
4. Siddiq Mo'min. Nutq va ijod uslubining hududiy xoslanishi.- T.: 1998.5.M.Saidova.,U.Quziev. Lingvokulturologiya.-N.: 2018